

Вилоят ҳокими Шухратбек Қўшақбоевич Абдурахмоновнинг Андижон шаҳрида
бунёд этилган Ёшлар спорт мажмуасининг очилиш маросимидаги
СЎЗИ

Азиз ҳамюртлар!
Қадрли ёшлар ва спортчилар!

Мана шундай қутлуғ саналар олдидан барчангизни мамлакатимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллик тўйи билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Истиқлолимиз туфайли эришган юксак натижаларимиз бардавом бўлиб, обод ва озод келажак сари ҳаракатларимиз нурли манзилларга бошлашига тилақдошман.

Республикаимиз мустақиллигининг 25 йиллик тантаналари арафасида амалга оширилаётган улуғвор ишлар, улкан бунёдкорлик ва ободончилик режалари озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги хайрли ҳаракатлар эканлигини чуқур ҳис қиляпмиз.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида Ватанимизнинг тақдири ва эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодга мамлакатимизда барча шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Юксак мақсадларга етиш учун ҳар қайси йигит-қиз ўз устида тинимсиз ишлаши, иродасини чиниқтириши, бу йўлдаги қийинчиликлар олдида бўш келмай, ғалабага эришиш учун ўзини аямасдан, ҳал қилувчи дақиқаларда, бутун борлигини сафарбар этишга тайёр бўлиши даркор”.

Сўнги йилларда мустақиллик шарофати билан вилоятимизнинг барча ҳудудлари таниб бўлмас даражада ўзгарди. Муҳташам бинолар, янги йўллар, кўчалар бунёд этилди. Намунали лойиҳалар асосидаги турар жойлар қаторида дам олиш масканлари, хиёбонлар, сайилгоҳларда ҳамюртларимизнинг ҳар бир куни мазмунли ўтаётганлиги кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида рўёбга чиқарилаётган қурилиш, ободончилик ишлари қаторида спорт иншоотларини барпо этиш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга лойиқдир.

Вилоятимизда жаҳон андозаларига мос равишда қад ростлаган қиличбозлик саройи мана шу фикримизнинг ёрқин исботидир.

Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида ҳудудларда мусиқа ва спорт мактаблари учун бутунлай янгича қиёфа касб этган иншоотлар, стадионлар, сузиш ҳавзалари қад ростламоқда.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида умумдавлат миқёсида ниҳоятда кенг кўламли вазифалар адо этилаётганини ҳар қадамда кўриб билиб турибмиз. Бундан кўзланган асосий мақсад - фарзандларимизни ҳар томонлама етук, ҳам жисмонан, ҳам маънан камолга етган инсонлар этиб тарбиялашдир.

Юртимизда кейинги 10 йил давомида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси болалар ва ўсмирлар ўртасида 30 фоиздан 57 фоизга, қиз болалар ўртасида 24 фоиздаги 47 фоизга ўсди. Мана шундай рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2005 йилда фарзандларимиз спортнинг 43 тури билан шуғулланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 59 тани ташкил этмоқда.

Вилоятимизнинг спорт салоҳияти мамлакатда етакчи ўринларни эгаллаётганлиги ҳар биримизга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этиш билан бирга катта масъулият ҳам юклайди.

Бундан буён андижонлик спортчиларнинг Ватанимиз обрў-эътиборини жаҳон майдонларида юксак поғоналарга кўтариши учун катта ва кўлами кенг ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари,

Мана, бугун Андижон шаҳрида қад ростлаган **“Ёшлар спорт мажмуаси”**нинг очилиш маросимида ана шундай режаларимиздан бири рўёбга чиқаётганлигини кўриб турибмиз.

Тадбиркор спортчи **Муҳаммадали Пўлатов** бошчилигидаги **“Шинам футбол арена”** масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган спорт иншооти қурилишига **1,5 млрд. сўмга** яқин маблағ сарфланди.

Бу замонавий типдаги мажмуада фарзандларимизга каратэ, таэквандо, бокс, теннис, баскетбол, мини футбол, бадминтон сингари 11 та оммавий спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилди.

Ушбу хайрли ишга бош қўшган барча ташкилотлар жамоаларига, фидойи қурувчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Мана шу муҳташам спорт мажмуасида эртанги куннинг чемпионлари етишиб чиқади, деб умид қиламиз.

Ҳозир вилоятимиз спортчилари нуфузли халқаро мусобақаларда юксак шоҳсупаларга кўтарилмоқдалар. Ишонамизки, уларнинг издошлари малакали мураббий тарбиясини олган ҳолда бу анъанани давом эттириб, ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишда ҳар томонлама қатъият, мардлик ва азму шижоат кўрсатадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Ёшлар спорт мажмуасининг барпо этилишига ҳисса қўшган барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, хайрли ишларига ривож тилайман.

Эътиборларингиз учун раҳмат!